

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ ЎЗARO ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-22-76-82>

Касимова Зилола Гуломиддин қизи

сиёсий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),

ТДШУ Япония тарихи, маданияти, сиёсати ва иқтисодиёти кафедраси ўқитувчиси

zilola.jp@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон – Япония: ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиш жараёнлари, янги тенденциялари кўрсатиб берилган. Халқаро майдонда Ўзбекистоннинг янги ижобий имижси ва замонавий маданий дипломатиясининг муҳим жиҳатлари ёритилган. Ўзбекистон ва Япония ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига 30 йил тўлди. Ўтган давр мобайнида мамлакатларимиз ўртасида турли соҳаларда илиқ ва ўзаро ишончга асосланган алоқалар ўрнатилди. Ўзбекистон ва Япония халқлари ўртасидаги чуқур тарихий ва маданий алоқалар, замонавий муносабатларнинг эришилган даражаси, шунингдек, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириши учун ҳали фойдаланилмаган улкан салоҳият мавжудлигини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга расмий таширифи ва унинг якунлари давлатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни янги босқичга кўтаришида муҳим аҳамият касб этди ва самимий дўстона муносабатлар янада мустаҳкамланди.

Калит сўзлар: замонавий маданий дипломатия, Ўзбекистон ва Япония, икки томонлама ҳамкорлик, стратегик шериклик.

АННОТАЦИЯ

В статье исследовано новые тенденции в развитии узбекско-японских отношений. Освещается новый позитивный имидж Узбекистана и важные аспекты современной культурной дипломатии на международной арене. Прошло 30 лет с момента установления дипломатических отношений между Узбекистаном и Японией. За истекший период между нашими странами в различных сферах установились теплые и взаимодоверительные отношения. Учитывая глубокие исторические и культурные связи между народами Узбекистана и Японии, сложившийся уровень современных отношений, а также огромный неиспользованный потенциал развития двустороннего сотрудничества, официальный визит Президента Шавката Мирзиёева в Японию и его итоги поднимают уровень стратегического партнерства между нашими странами приобрели важное значение, и еще больше укрепились искренние дружеские отношения.

Ключевые слова: современная культурная дипломатия, Узбекистан и Япония, двустороннее сотрудничество, стратегическое партнерство.

ABSTRACT

This article explores new trends in the development of Uzbek-Japanese relations. The new positive image of Uzbekistan and important aspects of modern cultural diplomacy in the international arena are. It has been 30 years since the establishment of diplomatic relations between Uzbekistan and Japan. Over the past period, warm and mutually trusting relations have been established between our countries in various fields. Given the deep historical and cultural ties between the peoples of Uzbekistan and Japan, the current level of modern relations, as well as the huge untapped potential for developing bilateral cooperation, the official visit of President Shavkat Mirziyoyev to Japan and its results raise the strategic partnership between our countries became important, and sincere friendly relations were further strengthened.

Keywords: *modern cultural diplomacy, Uzbekistan and Japan, bilateral cooperation, strategic partnership.*

Ўзбекистон ва Япония халқларининг анъана, урф-одат ва менталитетларини қиёсий таҳлил этиш натижасида улар ўртасида жуда кўп умумият ва ўхшашликлар мавжудлигини кузатиш мумкин. Япония ва ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди ўртасидаги алоқалар икки минг йилдан зиёдроқ тарихга эга. Бу давр мобайнида Шарқ ва Ғарб мамлакатларини ўзаро боғлаган ва Марказий Осиё ҳудудидан ўтган Буюк Ипак йўли орқали цивилизациялар ўртасида иқтисодий алоқалар, маданиятлар ва умуминсоний қадриятлар алмашуви амалга оширилди.

2019 йил Ўзбекистон ва Япония стратегик шериклигида янги давр бошланди. Бу, ўз навбатида, 2019 йилнинг 17-20 декабрь кунлари Япониянинг Бош вазири Синзо Абэнинг таклифига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга илк расмий ташрифини амалга оширилиши билан боғлиқ.

17 декабрь куни Президентимиз Японияга расмий ташриф дастуридаги биринчи манзил – Нагоя шаҳрига бўлди. Тюбу халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Япония Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Синичи Накатани, Нагоя шаҳри мери Такаси Кавамура ва бошқа расмий шахслар кутиб олишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Японияга ташрифи дастури 18 декабр куни тонгда Аичи префектураси губернатори Хидеки Омура билан учрашувдан бошланди. Ўзбекистон ва Аичи префектураси ўртасида таълим ва маданият соҳасидаги самарали мулоқотлар йўлга қўйилгани катта мамнуният билан қайд этилди. Инновациялар, саноат, қишлоқ хўжалиги ва қўшма агрокластерлар ташкил этиш, туризм, академик алмашинув соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва аниқ лойиҳаларни илгари суриш учун имкониятлар мавжудлиги алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон томонидан префектуранинг шериги этиб Тошкент вилояти белгиланди. Ўзаро ташрифларни ташкил этиш ва Аичидан авиакатновларни йўлга қўйиш масаласини кўриб чиқишга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга расмий ташрифи доирасидаги навбатдаги муҳим манзил Нагоя университети бўлди. Нагоя университети дунёдаги энг нуфузли илм-фан ва таълим масканларидан, китъадаги ўнта энг намунали олий таълим даргоҳларидан биридир. Мазкур университетда дунёга машҳур кўплаб олимлар таълим олган ва меҳнат қилмоқда, бу ердан физика ва кимё фанлари бўйича олти нафар Нобель мукофоти совриндорлари етишиб чиққан. Бугунги кунда университетда 16 мингдан зиёд талаба таҳсил олади. Шундан 2,6 минг нафари хорижий мамлакатлар, 30 нафардан ортиғи Ўзбекистон ёшларидир. Ҳозирга қадар мазкур университетда 400 дан ортиқ ўзбекистонлик талаба ва тадқиқотчилар таҳсил олган. 2010 йилда Тошкентда Нагоя университетининг ваколатхонаси очилган эди. Бугунги кунда мазкур ваколатхона мамлакатларимиз олий ўқув юртлари учун таълим ва илмий тадқиқотлар соҳасида кўприк вазифасини ўтамоқда. Бевосита университет иштирокида икки мамлакатда мунтазам ўтказилаётган Ўзбекистон-Япония талабалар академик форуми ва олий ўқув юртлари ректорларининг анъанавий конференциялари илмий ҳаётимизда катта роль ўйнамоқда. Давлатимиз раҳбари университет фаолияти билан танишди, унинг Президенти Сейичи Масуо билан учрашди. Учрашувда қатор Нобель мукофоти совриндорлари ва бошқа олимлар иштирок этди. Сейичи Масуонинг Ўзбекистон илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётганини эътиборга олиб, Тошкент давлат техника университети илмий кенгаши уни университетнинг фахрий ректори этиб сайлади. Шунингдек, профессор Ноёрига Ўзбекистон Фанлар академиясининг фахрий академиги унвони берилди. Учрашувда Президентимиз Сейичи Масуо ва Рёжи Ноёрини ушбу унвонлар билан табриклади.

Давлатимиз раҳбарининг таълим соҳасини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда илм-фан ва академик алмашинувларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлагани учун,

шунингдек, Ўзбекистонда янги босқичда амалга оширилаётган иқтисодий либераллаштириш ва барқарор тараққиётга эришиш борасидаги ислохотлар эътирофи сифатида Нагоя университетининг илмий кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевга университет фахрий доктори унвонини бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Университетда унинг раҳбарияти, профессор ва ўқитувчилари, талабалари ҳамда Нобель мукофоти совриндорлари иштирокида давлатимиз раҳбарига ушбу юксак илмий унвонни топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Маросимда Нагоя университети Президенти Сейичи Масуо сўзга чиқиб, Ўзбекистон раҳбари икки мамлакат ўртасида илм-фан соҳаларидаги алоқаларни ривожлантиришга катта эътибор қаратаётгани, ушбу қарор таълим соҳасидаги узоқ муддатли ва истикболли ҳамкорликни янада кенгайтиришга томонларнинг интилиши ифодаси эканини таъкидлади. Президентимиз Ш.М. Мирзиёев ўз нутқида ўзбек ва япон халқларини ўхшаш миллий ва ахлоқий қадриятлар билан бирга илм-фан ва тафаккурга, камолотга доимо интилиб яшаш каби эзгу фазилатлар бирлаштириб туришини таъкидлади. Замонавий дунёда инсон капитали, интеллектуал салоҳият, инновацион ғоялар, юқори технологиялар жадал ва барқарор тараққиётнинг фундаментал асосини ташкил қилаётганини қайд этди.

Президентимиз Ўзбекистон таълим ва фан соҳаларидаги кенг миқёсли ислохотлар ҳақида сўзлади. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон – Япония ҳамкорлигида улкан ишлар амалга оширилганини қайд этиб, айтиш вақтида бу борада ишга солинмаган имкониятлар ҳам борлигини таъкидлади ҳамда қатор таклифларни илгари сурди. Бу борадаги ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида илмий-академик алмашувлар ва технологиялар трансфери бўйича Ўзбекистон–Япония қўшма фондини ташкил қилишни таклиф этди. Ушбу фонд илмий тадқиқотларни, икки мамлакат ёш олимларининг биргаликдаги илмий изланишларини молиялаштириш, талаба ва профессор-ўқитувчилар алмашуви бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Японияга ташрифи асосий тадбирлари 19 декабрь куни Токиода бўлиб ўтди. Кантей қароргоҳида расмий қабул маросими ўтказилди. Япония ҳукумати раҳбари Президентимизни самимий қутлар экан, ушбу ташриф “Реива” (“Гўзал уйғунлик”) даврининг биринчи йилида ўтаётганини алоҳида таъкидлади. Токио мамлакатимиз билан дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият қаратаётгани қайд этилди. Шиндзо Абэ Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотларни юксак баҳолади ва уларни тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдирди. Давлатимиз Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни жонлантиришга фаол ҳисса қўшаётгани таъкидланди. Учрашув якунида томонлар музокара натижаларидан мамнун эканларини билдирдилар, дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларининг янги даврини бошлаш борасида қатъий эканларини таъкидладилар. Япония Бош вазири Шиндзо Абэ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўзи учун қулай вақтида мамлакатимизга ташриф билан келиш таклифини миннатдорлик билан қабул қилди. Олий даражадаги музокаралар якунида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Япония Бош вазири Синдзо Абэ Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисидаги Қўшма баёнотни имзолади. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида солиқ ва божхона соҳаларидаги ҳамкорлик, шунингдек, йирик инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича имзоланган битимлар алмашилди. Булардан ташқари, Ўзбекистон Делегацияси ташрифи доирасида иқтисодий, саноат, туризм, илм-фан, инновациялар, ахборот-коммуникация технологиялари, меҳнат миграцияси, таълим ва спорт соҳаларида, ҳудудлар ўртасида ҳамкорлик бўйича ўндан зиёд ҳужжатлар қабул қилинди. Шундан сўнг икки мамлакат етакчилари оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот

беришди. Давлатимиз раҳбари Япония билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш ва янада кенгайтириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади.

Ташриф доирасида сиёсий, парламентлараро алоқалар, савдо ва инвестиция, инновация, кичик ва ўрта бизнес, фан ва таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик истиқболлари батафсил муҳокама қилиниб, муҳим келишувларга эришилди. Япониянинг етакчи компания ва ташкилотлари билан йирик лойиҳалар бўйича битимлар имзоланди. Бу лойиҳалар, аввало, Япониянинг илм-фан ва юқори технологиялар соҳасидаги илғор ютуқларини Ўзбекистон иқтисодиётига жорий этишга қаратилгани билан айниса эътиборлидир. Япония Бош вазири, ўз навбатида, Президентимиз раҳбарлигида мамлакат иқтисодиётини либераллаштириш бўйича олиб борилаётган сиёсатни юқори баҳолади. Имзоланган салмоқли ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестициявий, маданий-гуманитар алоқалар кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирди. “Биз, – деди Синдзо Абэ, – жаноб Президент билан, Қўшма баёнотга асосланиб, Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни ҳамма соҳаларда ривожлантириш бўйича елкадош бўлиб ишлаймиз”. Халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар бўйича томонларнинг ёндашувлари яқинлиги яна бир бор тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 декабрь куни Токио шаҳрида Япония Императори Нарухито билан учрашди. Император олий мартабали меҳмонни самимий кутлар экан, ушбу ташриф Ўзбекистон-Япония дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим воқеа бўлгани, икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиққанини қайд этди. Давлатимиз раҳбари Император Нарухитога чуқур ҳурмат-эҳтиромини билдириб, “Реива” деб номланган янги даврда Япония уйғун ривожланишда давом этиши, мамлакат нуфузи ва аҳоли фаровонлиги янада ошишини таъкидлади.

Япония Императори Нарухито тахтга ўтирганидан кейин учрашув ўтказган учинчи давлат бошлиғи – Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бўлди. Бундан аввал Император АҚШ Президенти Дональд Трамп ва Франция Президенти Эммануэль Макрон билан учрашган эди. Ўзбекистон Президентининг ислохотлари Японияда эътироф этилди. Жумладан, “Ўзбекистон ва Япония Буюк Ипак йўлида” деб номланган халқаро илмий конференция ўтказилди. Унда Япония илмий-экспертлик ва академик доиралари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Япония Императори хазинасининг собиқ директори Ёнеда Юсуке Ўзбекистон Президентига мамлакат тарихи ва маданиятига қаратаётган алоҳида эътибори учун миннатдорчилик изҳор этди. Ёнеда Юсуке Ўзбекистоннинг тарихий салоҳияти Буюк Ипак йўли бўйича тадқиқотларни, жумладан, Марказий Осиё минтақаси микёсида кўп қарра кучайтириш имконини беришини алоҳида таъкидлади.

Олий даражадаги ташриф муносабати билан Ўзбекистонда чоп этилган китоблар тақдими уюштирилди. Тадбир иштирокчилар эътиборига 8 та янги нашр, хусусан, “Ўзбекистон – япон олими қалбида” номли китоб ҳамда ўзбек ва япон тилларида чоп этилган “Япония Конституцияси” тақдим этилди. Бу нашрлар орасида “Ўзбекистонда паноҳ топган японлар: хотира китоби” алоҳида ўрин тутди. Давлатимиз раҳбари билан мулоқотлар чоғида Бош вазир турли сабаблар билан Ўзбекистон ҳудудига кўчириб келинган, Иккинчи жаҳон урушидан кейин 3-4 йил Ўзбекистонда яшаган ва айримлари юртимизда паноҳ топган японияликларга бўлган муносабат, уларнинг қалбларига кўрсатилган инсоний меҳр-муҳаббат учун таъзим қилиши ва бунинг учун Ўзбекистон олдида ўзларини қарздор, деб билишини самимий изҳор этди.

Японияга ташрифнинг учинчи куни ушбу мамлакат парламентининг қуйи палатаси билан учрашув бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари Вакиллар палатаси раиси Тадамори Осима билан

Ўзбекистон – Япония парламентлараро муносабатларини янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди. Япония парламентининг Ўзбекистон билан дўстлик лигаси фаол ишлаётгани катта мамнуният билан қайд этилди. Тадбирда ушбу лиганинг аъзолари, жумладан, унинг раиси – Япония Бош вазири Ёринбосари, молия вазири Таро Асо иштирок этди. Икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги алоқалар 1993 йилда ўрнатилган. Япония парламентида Ўзбекистон билан дўстлик лигаси ташкил этилган. Унинг таркибига таниқли сиёсат арбоблари, депутат ва дипломатлар киради. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз амалий ҳамкорлигини кенгайтириш, Ўзбекистон ва Япония халқлари дўстлигини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Парламентлараро форумнинг иккита қўшма мажлиси бўлиб ўтган. Унинг учинчи мажлисини Тошкентда ўтказиш тўғрисида келишувга эришилди. Кунчиқар мамлакатнинг парламентаризм соҳасидаги тажрибасини ўрганиш бўйича қўшма тадбирлар ўтказиш ва ўзаро алмашинувларни кенгайтиришга келишиб олинди. Учрашув сўнггида Ўзбекистон Президенти Япония парламенти қуйи палатаси спикерига юртимизда илк бор ўзбек тилига таржима қилинган ва чоп этилган Япония Конституциясининг биринчи нусхасини совға қилди. Давлатимиз раҳбари Япония парламентининг Маслаҳатчилар палатаси Президенти Акико Санто билан учрашди. Парламентлараро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, айниқса, жорий йилда қабул қилинган қўшма меморандум доирасида икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари ўртасида фаол мулоқот олиб борилаётгани юксак баҳоланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Токио шаҳрида Япония ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашув ўтказди. Унда JETRO, JICA, JABIC, NEDO, JOGMEC, Mitsubishi, Itochu, Sumitomo, Marubeni, Isuzu каби корпорация ва компаниялар, молиявий тузилмалар раҳбарлари иштирок этди. Президентимиз Япония компаниялари ва молиявий тузилмаларини Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда фаол иштирок этишга таклиф этди. “Япония – бизнинг стратегик шеригимиз. Ўзбекистонда иқтисодий тармоқлари ва инфратузилмани модернизация қилиш бўйича ҳамкорликда кўп ишлар қилинди. Биз бу алоқалар тарихида янги саҳифа очиш ниятида келдик. Савдо, энергетика, геология, кимё, транспорт, туризм, мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш тармоқларида имкониятлар, янги лойиҳалар кўп”, – деди Шавкат Мирзиёев.

2019 йил 16 декабрь куни Токио шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон – Япония бизнес форумида қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Япония иқтисодий, савдо ва саноат вазирлигининг Савдо сиёсати бюроси ўртасида иқтисодий ва саноат ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум имзоланди. Тадбирда Япония Бош вазирининг Ёринбосари, молия вазири Т.Асо, Япония ташқи савдони ривожлантириш ташкилоти (JETRO), Япония иқтисодий, савдо ва саноат вазирлиги, Япония бизнес федерацияси (KEYDANREN) раҳбарлари ҳам қатнашди. Умуман олганда, тадбир Япониянинг 500 дан ортиқ компания ва ташкилотлари вакиллари иштирокида ўтди. Умуман, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Японияга ташрифи доирасида қиймати 6,5 млрд долларга тенг бўлган 48 та келишув ва шартномалар имзоланади. Шу билан бирга, Токио шаҳрида дунёга машҳур япониялик архитектор Тадао Андо Ўзбекистон давлат санъат музейини ривожлантириш концепциясига доир таклифларини тақдим этди.

Япония таълим, маданият, спорт, илм-фан ва технологиялар вазирлиги кунчиқар юртининг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида мамлакатимиз олий ўқув юртлари талабалари, мактаб, лицей ҳамда коллеж битирувчиларига Япония университетлари ва коллежларида таҳсил олиш учун йиллик стипендиялар тақдим этмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда япон тилини ўрганиш ва японшунослик соҳасини ривожлантириш бўйича Тошкент давлат шарқшунослик университети етакчилик қилмоқда. 1992 йилда ташкил этилган Япон филологияси кафедраси япон тилини ўқитиш бўйича нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёдаги биринчи таълим муассасасидир. Бу ўз навбатида японшунослик соҳасидаги тадқиқотлар янги факультет ташкил қилинишига сабаб

бўлди. 2019 йил 4 декабрь куни Тошкент давлат шарқшунослик университетида Японшунослик факультетининг тантанали равишда очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Абдуҳакимов, Олий ва ўрта махсус таълими вазири И.Мажидов, Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқуллод ва мухтор элчиси Ф.Ёшинори ҳамда фан ва таълим соҳасининг бошқа вакиллари иштирок этдилар. Мазкур факультетнинг очилиши дунёнинг етакчи давлатларидан бири Япония билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларнинг ривожланишига, ўзбек японшунослиги даражасини янги босқичга олиб чиқишига ва етук мутахассисларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, Тошкент давлат шарқшунослик университетида ҳар йили **“Ўзбекистон ва Япония маданий алоқаларининг долзарб масалалари: тил, таржима ва адабий жараёнлар”** мавзусида Халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференция ўтказилиб келинмоқда. Япониянинг Цукуба университети билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган мазкур анжуманда республикаимиз соҳа вакиллари билан бир қаторда хорижлик олимлар ҳам иштирок этдилар. Ўзбекистон ва Япония маданий алоқаларининг долзарб масалалари, хусусан, тил, адабиёт, тил тарихи, таржимашунослик бўйича илмий муаммолар юзасидан фикр алмашиш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш, биргаликда амалга ошириладиган илмий лойиҳаларни муҳокама қилиш, ёш таржимашунослар ва таржимонларни тайёрлашдаги ҳамкорлик юзасидан қатор тавсиялар ишлаб чиқилади. Мунтазам равишда ўтказиб келинаётган ушбу анжуман ўзига хос илмий ахборот алмашинуви майдонини ташкил этиб, Ўзбекистоннинг халқаро илмий муҳитга бўлган интеграциясини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг, беш мингдан зиёд ўзбекистонлик ёшлар Япониянинг турли университетларида таҳсил олиб қайтишди. Улар Японияда олган ўз билим ва тажрибаларини она Ватанимиз равнақи ва фаровонлиги учун сафарбар этяптилар. 2019 йил декабрь ойида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган Япония тадқиқотлар таҳлилий маркази очилди. Айни пайтда Тошкент давлат юридик университетида Нагоя университети ҳамкорлигида очилган Япон ҳукуқини тадқиқ этиш маркази, Тошкент давлат техника университети қошидаги Ўзбекистон – Япония ёшлари инновацион маркази, Тошкент ахборот технологиялари университетида Япония кўмагида ташкил этилган Ўқув медиа-маркази фаолият кўрсатмоқда.

Япония илмий доиралари вакиллари мамлакатларимиз ўртасидаги гуманитар алоқалар ривожига салмоқли ҳисса қўшишмоқда. Хусусан, мамлакатимиз тарихини ўрганишда япон археологи, “Дўстлик” ордени соҳиби, Термиз шаҳрининг фахрий фуқароси Кюдзо Като ҳам улкан ҳисса қўшган буюк дарғалардан бири эди. Ўзбекистон тўғрисидаги кўплаб илмий ишлар муаллифи бўлган япон профессори 25 йилдан зиёд вақт мобайнида Ўзбекистон Фанлар академияси ва бошқа илмий-тадқиқот институтлари билан самарали ҳамкорлик қилиб, турли лойиҳаларда қатнашди. Хусусан, Сурхондарё вилоятида (Далварзинтепа, Қоратеп, Холчаён, Фаёзтепа) кўплаб археологик қазилмалар олиб борди. Унинг тадқиқотлари натижалари Ўзбекистон тарихи бўйича дарсликларда ўз аксини топган. Давлатимиз раҳбарининг расмий ташрифи кунлари Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманидаги 43-мактабга япон археологи номи берилди.

Ўзбекистон ва Япониянинг ўзаро муносабатлари Буюк Ипак йўли даврига бориб тақалладиган кўп асрли илдизларга эга бўлиб, гуманитар соҳа ва савдо борасидаги алоқаларимизга, халқларимиз маданияти, анъаналари ва урф-одатларининг бир-бирига сингиб кетишига доир кўплаб ноёб тарихий маълумотлар мавжуд. Мамлакатларимиз бир хилда эъзозлайдиган умумий қадриятлар ва узоқ муддатли манфаатлар асосида анъанавий дўстона икки томонлама алоқалар бундан буён ҳам Ўзбекистон ва Япония халқлари фаровонлиги йўлида ҳар томонлама ривожланиб бораверади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон ва Япония халқлари ўртасидаги чуқур тарихий ва маданий алоқалар, замонавий муносабатларнинг эришилган даражаси, шунингдек, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳали фойдаланилмаган улкан салоҳият мавжудлигини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга расмий ташрифи ва унинг якунлари давлатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этди ва самимий дўстона муносабатлар янада мустаҳкамланди. Демак, ўтган 30 йил мобайнида Ўзбекистон ва Япония ўзаро манфаатли ҳамда ҳурматга асосланган икки томонлама муносабатларни изчил кенгайтириб бормокда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Элмуродов Матназар. Ўзбекистон-Япония: новая страница в области торгово-экономического, инвестиционного и технологического сотрудничества. // Народное слово. – 2019 – №262(7461). – С. 3.
2. Саидов Акмал. Ўзбекистон – Япония: Стратегик ҳамкорлини кенгайтириш йўлидаги залварли кадам.// Халқ сўзи. – 2019. – № 268 (7498). – Б.1.
3. Азимов Жаҳонгир. Ўзбекистон – Япония: стратегик шерикликнинг янги босқичи.//Халқ сўзи. – 2019. – №259(7489). – Б. 2.
4. O‘zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vazirligi. URL: <https://mfa.uz/uz/press/news/2019/12/22548/?print=Y>
5. Shavkat Mirziyoyev Nagoya universitetiga tashrif buyurdi. URL:<https://www.pv.uz/oz/news/prezident-uzbekistana-posetil-universitet-nagoi>
6. O‘zbekiston Prezidenti Yaponiya Imperatori bilan uchrashdi. URL: <https://pv.uz/oz/news/ozbekiston-prezidenti-yaponiya-imperatori-bilan-uchrashdi>